



## XX Асрнинг Иккинчи Ярмида Бухорода Йўл Қурилиши Масалалари (Бухоро Ҳақиқати Газетаси Маълумотлари Асосида)

**Ж. Ж. Мажидов**

*Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси*

### Аннотация:

Ушбу мақолада ўтган XX асрнинг иккинчи ярми давомида Бухорода йўл қурилиши соҳасининг ўзига хос хусусиятлари, бу борада режалаштирилган ишлар, амалга оширилган ишлар, муаммолар ва уларнинг ечими билан боғлиқ масалалар хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Йўл қурилиши, халқаро йўл, ички йўл, йўл қурилиши бошқармаси, социалистик мажбурият, иқтисодий кўрсаткич, йўл механизмлари.

### Кириш

Инсоният тарихида, унинг кундалик ҳаётида йўл масаласи ҳамisha долзарб мавзу бўлиб келган. Йўлларнинг аввало хавфсизлиги, шунингдек, қулайлиги баробарида сифати ҳам алоҳида аҳамият касб этган. У ҳоҳ халқаро аҳамиятдаги магистрал йўл бўлсин, ҳоҳ ички йўллар бўлсин унинг сифати ва хавфсизлигига ҳамisha эҳтиёж сезилган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Совет Иттифоқининг барча Республикаларида, унинг тасарруфидаги ҳудудларда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам йўл қурилиши масаласида кўпгина ишлар амалга оширилган. Вилоят ичкарасидаги мавжуд йўллар мумкин қадар таъмирланган ва янгилари қурилган. Янги қуриладиган йўллар асосан янги ташкил этиладиган саноат ва қишлоқ хўжалиги зоналарига йўналтирилган.

Аmmo соҳага оид кўпгина ютуқлар билан бирга ечилиши муҳим бўлган масалалар ҳам бор эдики, мазкур муаммолар ҳудудларнинг оғрикли нуқталари бўлиб қолаверган. Баъзи ҳолларда бунда айрим мутасаддиларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги сабаб қилиб кўрсатилган.

### Асосий қисм

Даврий матбуот нашри ҳисобланган "Бухоро ҳақиқати" газетасини варақлар эканмиз мазкур масалада ютуқлар билан бирга кўпгина муаммолар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Свердлов (Жондор тумани) район марказидан Бухорогача борадиган 18 километр масофали катта йўл ва ундаги кўприклар кўпдан бери бузилиб, аҳоли ва транспорт қатновига жиддий халақит етказётганлиги, бу аҳвол район йўл қурилиш



бўлими (бошлиғи ўртоқ Саидов) га маълум бўлгани ҳолда негадир бу серқатнов йўлни тузатиш чораси кўрилмаي келаётганлиги ҳақида жиддий эътирозлар билдирилган[1].

Бундан ташқари Свердлов раёнидан Бухоро шахрига келадиган ва Ромитан раён Коммуна пахта пунктидан Бухоро шахрига келадиган йўллар ва уларнинг кўприклари кўпдан бери бузилиб ётгани, йўлда катта чуқурлар пайдо бўлганлиги, булар машина ва араваларнинг қатновига тўсқинлик келтирётганлиги, Свердлов раён йўл қурилиш бўлими (мудири ўртоқ Хўжаев) кўприкларни тузатиш бобидаги вазифасини мутлақо бажармаётганлиги. Ромитан раён йўл қурилиш бўлими ҳам бундан мустасно эмаслиги. Область идораси бу аҳволга нисбатан тегишли чора кўриши шартлиги ҳам айтиб ўтилган[2].

Бундан ташқари Шофиркон раёнидаги "Ўзбекистон" колхозининг Читгарон, Моврухийлар ва Қарақалпоқ қишлоқларига борадиган йўллар ниҳоят ёмон аҳволда эканлиги, бу қишлоқлар кохоз марказидан атиги 3-3,5 километр узоқда жойлашган бўлса ҳам, ҳалигача текисланмаганлиги айтиб ўтилган. Йўлларнинг нотекислиги туфайли бирор киши касалланиб қолганда тез ёрдам машинаси чақирининг имконияти йўқлиги; Бу қишлоқларда енгил машина қатнамаслиги баробарида, қишда лой, ёзда эса чанг тўзон меҳнатқашларни ниҳоят даражада қийнаши таъкидланган. Шунингдек, мазкур қишлоқлар йўлларини текислаб тартибга солишни колхоз раҳбарларидан сўраб бир неча марта илтимос қилинган бўлса ҳам, улар қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмаётганликлари айтилади[3].

Бундан кўриниб турибдики, аҳоли муаммоларнинг ечим топиши учун кўп маротаба тегишли идораларга мурожаат қилган. Қутилган натижа бўлмагандан сўнг эса бу ҳақида кенг жамоатчиликка маълум қилиш мақсадида газетага танқидий мақолалар билан чиқиш қилинган.

Вилоят ҳудудида йўл қурилиши масаласини тартибга солиш, аниқ режа асосида ишларни ташкил этиш ва зарур техник воситалардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш мақсадида алоҳида мажбурият ва вазифалар белгилаб олинган. Жумладан, Бухоро область йўл қурилиши бошқармаси коллективининг 1976 йилги социалистик мажбуриятларида белгилаб олинган бир қатор вазифаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Область йўл қурилиши бошқармаси йўл хўжаликларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXV ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездини муносиб кутиб олиш учун қурашиб, анчагина ютуқларни қўлга киритганлар. Яқунловчи йил ва умуман, тўққизинчи беш йилликнинг план-топшириклари ва социалистик мажбуриятлари барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажарилганлиги, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам соҳага оид ишлар яхши старт олинганлиги таъкидланади. КПСС Марказий Комитетининг "1976-1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари" тўғрисида партия XXV съездида лойиҳаси йўл қурувчиларнинг меҳнат ғайратини ва сиёсий фаолликларини янада ошириб юборганлиги айтилади. Бу муҳим партиявий ҳужжатда автомобиль йўллари шахобчасини бундан буён ҳам ривожлантиришнинг катта вазифалари белгиланган. Область йўл қурилиши бошқармаси коллективи янги беш йилликнинг биринчи йили - КПСС XXV съезди йилни янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун ўз зиммаларига қуйидагича



социалистик мажбуриятларни қабул қилади: 1976 йилнинг икки ойлик планини 20 февральгача бажариш; 12925 минг сўм ҳажмида 1976 йил учун белгиланган қурилиш ва ремонт ишлари ишлари давлат планини 5 декабргача адо этиш; Йўл қурилиши ва ремонт ишлари сифатини ошириш; Қурилиш материалларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига 30 минг сўм маблағни тежаб қолиш; амалдаги ва янги техникадан қўлланиш тадбирларини такомиллаштириш; рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этиш эъвазига 15 минг сўм миқдорда иқтисодий самара олиш; Меҳнат унумдорлигини план топшириқларига нисбатан икки процент ошириб иш таннархини 55 минг сўмга камайтириш ва ҳоказо[4].

Асосий мақсад ва вазифалар сифатида ҳам бир қатор масалалар санаб ўтилади. Жумладан, 50 километр масофадаги колхоз ва совхоз, 10 километр масофадаги область йўлларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш; 230 километр масофадаги йўлларни капитал ремонт қилиб, 6 та йиғма темир бетон кўприклар қуриш; 2120 та масофа белгиловчи ва бошқа турдаги йўл белгиларини ўрнатиш, 30 километр масофадаги автомобиль йўллари четини кўкаламзорлаштириш. Йўл механизмлари паркидан фойдаланиш коэффицентини 0,65 процентга оширамиз, 10 - ва 13 - йўл қурилиши бошқармаларида иккита бригадани хўжалик ҳисобига ўтказамиз[5].

Бригада усулида ишни ташкил этишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, бунда сутканинг муайян белгиланган вақтида смена тарзида ишлаш йўлга қўйилган. Шу тарика ишнинг унуми ва сифати алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Техник воситалардан унумли фойдаланишга, уларнинг бекор туриб қолмаслигига ҳаракат қилинган.

Бригада усули бўйича 20 та малакали ремонт ишчилари тайёрлаш; Камида 15 кишига қўшалок касб ўргатиш; Жилвон посёлкасида пионер лагери қуришни бошлаш каби вазифалар ҳам социалистик мажбурият сифатида қабул қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Йўл қурилиши бошқармаси ўз зиммасидаги асосий вазифа ва мажбуриятлардан ташқари бир қатор ҳомийлик ва ғамхўрлик ишларини ҳам режалаштирган ва амалга оширган. Бундай инсонпарварлик тадбирлари асосан таълим муассасаларига қаратилган. Социалистик мажбуриятларда алоҳида банд сифатида киритилган Политехника институтига, автомобиль йўл техникумига, Калинин номидаги 11- мактабга, 17- ва 40- болалар боғчасига оталиқ ёрдами уюштириш режаси буни исботлайди.

Автотранспорт корхоналар ҳамда йўл қурувчиларнинг коллективлари халқ хўжалигининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини ва аҳоли талабларини янада тўлароқ қондириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, юк ташиш таннархини камайтириш учун барча имкониятларни сафарбар этишлари лозимлиги қайд этилган.

Республика миққиссида йўл қурилиши ишларини жадаллаштиришга зоришиш йўлида ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадаҳида Бухоро область йўл қурилиши бошқармаси қурувчилари Самарқанд область автомобиль йўллари қурувчиларини социалистик мусобақага



чакирган[6]. Бундан кўзланган асосий мақсад соғлом рақобат асосида мусобоқалашиб иш унумини ҳар иккала томон учун ҳам яхшилашдан иборат бўлган.

### Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, соҳага оид кўпгина муаммолар йиғилиб қолган бўлсада, уларни бирин кетин бартараф этиб бориш мақсадида кўплаб амалий қадамлар ташланган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Султонов М.Йўл қачон тузатилади. «Бухоро ҳақиқати» 1951 йил 6 март сони.
2. Султонов М.Йўл тезда тузатилсин. «Бухоро ҳақиқати» 1951 йил 6 март сони.
3. Йўллар равон бўлсин. «Бухоро ҳақиқати» 1969 йил 13 июнь 155 (12.189) сон А. Ашуров
4. Йўлларимиз текис ва равон бўлсин. Бухоро ҳақиқати 1976 йил 22 январь 15(14.392)-сон
5. Йўлларимиз текис ва равон бўлсин. Бухоро ҳақиқати 1976 йил 22 январь 15(14.392)-сон
6. Йўлларимиз текис ва равон бўлсин. Бухоро ҳақиқати 1976 йил 22 январь 15(14.392)-сон
7. Majidov J. Transport and road construction issues in Bukhara //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 10. – №. 9.
8. Majidov, Jurabek. "Наземный и воздушный транспорт в СССР." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 1.1 (2020).
9. Majidov, Jurabek. "XX asr boshlarida Eron matbuotining Turkiston va Buxoroga tarqalishi: Turkiston to'plami materiallari asosida." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 6.2 (2020).
10. Majidov, Jurabek. "XX asr 70-йилларининг 2-ярмида Бухорода телефон хизмати хусусида." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 6.2 (2020).
11. Majidov, Jurabek. "XIX asr oxiri XX asr boshlarida Amudaryo flotiliyasi faoliyati tarixidan (Turkiston toplami materiallari asosida)." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 1.1 (2020).
12. Хайитов, Шодмон, and Жўрабек Мажидов. "БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУРУҚЛИК ВА ҲАВО ТРАНСПОРТИ: ЕЧИМ ВА МУАММОЛАР." *Scientific progress* 2.2 (2021): 506-510.
13. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.



SCIENCE BOX

# SYNERGY: JOURNAL OF ETHICS AND GOVERNANCE

Volume: 01 Issue: 06 | 2021

ISSN: 2181-2616

14. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
15. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
16. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938.
17. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.

